



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (12.260)

Баҳоси эркин нарҳда

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА КЎРА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН КЎЙДАГИЛАР ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР.

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун кўйдагиларга фахрий унвонлар берилди:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдуллаева Латифат Музуровна — «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи тарбиячиси
Азимбаева Нигора Муратовна — «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси
Кенджаев Шавкат Иргашевич — Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Поливанова Людмила Геннадьевна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими мураббийи

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш бора-

«The Baltic Course»:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ РИВОЖИГА УСТУВОР ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»

Хорижий оммавий ахборот воситаларида шу йил 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

Кўйда Болтикбўйи халқаро академияси профессори, иқтисод фанлари доктори **Ольга ПАВУКНИНГ** «Балтийский курс»/«The Baltic Course» халқаро журналида чоп этилган мақоласи айрим қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда: «Ўзбекистон бутун дунёга иқтисодийда эришаётган ютуқларини кенг намойиш этмоқда. Ўтган ҳафта Тошкентга «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун дунёнинг 50 давлатидан уч юздан ортиқ хорижий меҳмон ташриф буюрди. Форумда қарийб мингга яқин киши қатнашди.

Президент Ислам Каримовнинг янги Симпозиумлар саройида ўтган форумнинг ялпи мажлисида иштирок этгани конференциянинг нуфузини янада оширди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими томонидан қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Маъна-

виятга таҳдид — ўзлимизга таҳдид» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** врачлар малакасини ошириш институтида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликла-

ри ҳамкорлигида амалга оширилган «Сут — мактаблар учун» лойиҳаси бўйича яқуний анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатасида Ўзбекистонда бизнес муҳити таҳлилининг долзарб масалаларига бағишланган семинар-тренинг бошланди.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманида жойлашган 4-маҳсус мактаб-интернатда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб «Сизга таъзим устозлар» деб номланган адабий тадбир бўлиб ўтади. Тадбир Машраб номли маданият уйи томонидан ўтказилади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

ДОИМО ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ

«Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди», — деб таъкидлайди Юртбошимиз. Бугун устозларимиз давлатимиз ардоғида. Президентимиз раҳнаомлигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1997 йилдан буён 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар кун

1997 йилдан буён 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар кун

1997 йилдан буён 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар кун

ди. Бу ишлар замирида устозларимиз меҳнатини яхшилаш ва енгиллаштириш ҳамда баркамол авлоднинг нурафшон эртасига мустақам пойдевор қўйиш асосий мақсад қилиб олинди.

Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрда қабул қилинган «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам педагогларнинг профессионал малакасини, уларнинг изланиш ва ташаббускорлик фаилатларини юксалтиришга, ўқув-тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир.

Бизга илм ўргатган устозларимиз, бошимизни силаган ўқитувчиларимиз, ҳаётимиз бошланишида тўғри йўл кўрсатган мураббийларимиз ҳақида ўйлар эканмиз, доноларимизнинг «Ўқитувчи — қалб меймори» деган сўзининг маъносини янада теранроқ англай бошлаймиз.

Ҳар бир инсоннинг қўлига илк бор қалам тутқазган, дастлабки сабоқни берган, ҳарф танитган, Ватан, она каби муқаддас сўзлар маъносини оддийгина тилда онгу тафаккуримизга сингдирган устозларимизга ҳар қанча таъриф камлик қилади. Шундай бўлса-да қўлимизни кўксимизга қўйиб минг бор таъзим Сизга, устозлар деймиз!

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

XXI аср саҳоси

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизда ўтказилаётган анъанавий Ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида Тошкент, Навоий ва Термиз шаҳарларида «ICTExpo – 2012» миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг бир пайтда уч шаҳарда ўтказилиши ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жорий этилиш даражаси ҳудудларимизда ҳам ортиб бораётганини намойиш этди. Кўргазмага ташриф буюрганлар учун ташкил этилган веб-трансляция уларга реал вақт режимида бирийўла учала кўргазма экспонатлари билан танишиш имконини берди.

● Қашқадарё вилоятида тадбиркорликка қадам қўяётган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Марказий банк вилоят бош бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йилда коллеж битирувчиларининг 164 лойиҳаси учун бир миллиард 454,9 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўпдир. Натижада ажратилган микрокредитлар кўмағида 262 иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар тижорат банклари вилоят филиаллари томонидан мазкур йўналишда яна 409 миллион сўмликдан ортиқ микрокредитлар ажратиш белгиланган.

● Андижон шаҳри аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида «Тавс» масъулияти чекланган жамияти Самарқандда ишлаб чиқарилган 50 та микроавтобус харид қилди. Мазкур жамоат транспорти воситалари учта йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатади. Ушбу хайрли иш натижасида 100 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● Сарийос туманидаги «Олмалик ТКМ» корхонасида замонавий омборхона қурилиб, ишга туширилди. 600 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган мазкур мажмуада бир пайтнинг ўзида 500 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш имконияти мавжуд.

ЖАҲОНДА

● Францияда бошланган халқаро автомобиль кўргазмасида йигирмадан зиёд мамлакатдан уч юзга яқин йирик автомобилсозлик компанияси иштирок этмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кўргазмага 1,5 миллиондан зиёд одам келиши кутилмоқда.

● Нидерландиянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Philips» компанияси харажатларни камайтириш мақсадида 2200 ходимини ишдан бўшатишга қарор қилди. Компания шу йўл билан уч юз миллион евро миқдорида маблағни тежаш ва 2014 йилгача 1,1 миллиард АҚШ долларлик харажатларни қисқартириш ниятида. «Philips» 2011 йили 1,3 миллиард евро миқдорида молиявий зарар кўрган. Айни вақтда мазкур компания дунё мамлакатларида 122 минг нафар ишчи-ҳодимига эга.

● Буюк Британия ҳукумати мамлакат дўконлари ва бозорларининг расталарида тамаки маҳсулотларини қўйишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилди. Бундан қўзланган асосий мақсад харидорларга сотувдаги мазкур маҳсулотни кўрсатмаслик орқали чекувчилар, айниқса, ёшлар орасида унга бўлган талабни камайтиришдан иборат.

● Ҳиндистоннинг Жарканд штатида тикилинча қарийб ўн киши ҳаётдан кўз юмди ва эллика яқин одам жароҳатланди. Мамлакат полиция маҳкамаси ходимларининг айтишича, фожа Деогхар шаҳридаги ибодатхонада рўй берган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ибодатхонада одамларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши оқибатида жанжал кўтарилган. Қурбонларнинг аксарияти хотин-қизлардан иборат. Жароҳатланганлар қич орадаги шифохоналарга ётқизилган.

13.25 Понять.

13.25 Понять.

нь ил
3»
ей»

Россия

шоу.
к-шо
12+
-Мо
екти
след
+
ь.
-Мо
я лж
риал
ь.
-Мо

програм
НТВ

США
Рос
«НТ
озвр
роис
ртер
«Мор
. Про
ерка
». То
(16+
роис
ионн
илан
ый се
ых фо
А. Об
ых фо
США
(16+

10.00 Модный

«И»
ВСТО
ру.
к-шо
12+
Моск
ектив
след
Моск
бовь
иал.

Россия

Москва
а Удд
а-Чер
занс
Москва
«...и!»
и. Мах
Мари
а-Чер
ро, Алё
рган
риал
а Вла
Пама
г. 16
извле
«НТ
звращ
роис
(16+)
«Мор
роис

НТВ

«Дни»
ор.
х фо
16+)

